



ҚАРОР — ПОСТАНОВЛЕНИЕ

3 йил „ 30 “ апрель

№ 107-Қ

Самарқанд вилоят ёқилғи маҳсулотлари таъминоти ассоциациясига янги қурилаётган ёқилғи сақланадиган омборхонага келадиган йўл, чойхона ҳамда машиналар турадиган жой қуриш учун ер майдонини ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Ер тўғрисида"ги қонунига асосан ва Паст Дарғом район ҳокимининг 1993 йил 26 мартдаги 51-9/3-қ рақамли қабул қилган қарорини кўриб чиқиб
Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Паст Дарғом район ҳокимининг 1993 йил 26 мартдаги 51-9/3-қ рақамли „Қ. Тўраев номли жамоа хўжалиги аъзоларининг "Самарқанд вилоят ёқилғи маҳсулотлари таъминоти ассоциациясига янги қурилаётган ёқилғи сақлайдиган омборхонага келадиган йўл, чойхона ҳамда машиналар турадиган жой қуриш учун 2,5 гектар қуриб қайдаладиган ер майдонини ажратиш ҳақидаги 1993 йил 1 мартдаги 2 рақамли вакиллар йиғилиши қарорини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори тасдиқлансин.

2. Самарқанд вилояти ёқилғи маҳсулотлари таъминоти ассоциациясига ажратилаётган 46 балли ернинг ўрнини қоплаш учун вилоят ер тузиш ва ердан фойдаланишни назорат қилиш Давлат инспекциясининг ҳисобига 642750 сўм миқдорда пул ўтказиш юклатилсин.

Вилоят ҳокими

П.М. Абдурахмонов

